

ЁШЛАР ТАШРИФ ЖОЙЛАРИНИНГ САЁХАТ КЛАСТЕРБОПЛИК ДАРАЖАСИНИ КРІ ТИЗИМИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ

Аннотация: Мақолада республикамиз ҳудудида жойлашган ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини муҳим кластербоплик индикаторлари, яъни KPI тизими бўйича баҳолаш жараёни босқичма-босқич ёритилган. Бунда баҳолашнинг биринчи босқичида “Сомонийлар” истироҳат богининг фаолияти диагностик ўрганилган. Баҳолашнинг сўнгги қадамида ёшлар ташриф жойининг идеал саёҳат кластербоплик даражасини ривожлантиришига турткি бўлган эталон кластербоплик индикаторлари (KPI) танланаган. Ниҳоятда, баҳолашнинг сўнгги қадамида ёшлар ташриф жойининг идеал саёҳат кластербоплик даражасини ривожлантиришининг эталон кластербоплик индикаторлари аниқланган. Ушбу тадқиқот иши натижаси жаҳонга Бухоро вилоятидаги ёшларбон диққатга сазовор жойларни бирлаштириши орқали уларнинг негизида “кластербон саёҳатгоҳ”ларга асосланган ёшлар кластерини яратиш тавсия этилган.

Калим сўзлар: кластер, саёҳат кластербоплиги, кластербоплик индикатори, KPI, жозибадор дестинация, ёшлар ташриф жойи, кластербон саёҳатгоҳ.

Abstract: The article describes the step-by-step process of evaluating the level of travel clustering of youth visiting places in the territory of our republic according to important clustering indicators, that is, the KPI system. In the last step of the evaluation, benchmark clustering indicators (KPIs) were selected, which motivated the development of the ideal travel clustering level of the youth destination. Finally, in the last step of the evaluation, benchmark clustering indicators for the development of the ideal travel clustering level of the youth destination were determined. As a result of this research, it is recommended to create a youth cluster based on "cluster travel destinations" by combining youth-oriented attractions in Bukhara region.

Key words: cluster, travel clusterness, clusterness indicator, KPI, attractive destination, youth visit place, cluster travel destination.

Кириш

Кластер ёндашувида ёшлар туризмини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири – ёшлар ташриф жойларини ёшлар туристик кластерларига айлантиришдан иборатдир. Ҳудудий ёшлар туристик кластерларни шакллантириш учун диққатга сазовор жойларнинг саёҳат кластербоплигини аниқлаш керак бўлади. Бунда, “кластербон” деганда биз кластер шакллантириш имконининг мавжудлигини ва “саёҳат кластербоплиги” ибораси билан эса ёшлар ташриф жойларининг сайёҳлик ташкилотлари билан кооперациясида туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш имконини яратиш мақсадида бирлашма тузишга яроқли деган маъноларни ифодалаймиз.

Рақобатбардош ёшлар туристик кластерларни шакллантириш учун ёшлар туристик кластери обьектлари бўлмиш диққатга сазовор жойлар, қўнгилоchar масканлар ва жозибадор туристик ҳудудларни баҳолаш тақозо этилади. Ёшлар туризмини жадал ривожлантириш максадида ҳудударнинг диққатга сазовор жойларини баҳолаш орқали уларнинг саёҳатбоплиги ва сифат даражаларини аниқлаш мумкин бўлади. Бу мақсадни амалга ошириш учун биз “Ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини баҳолаш мезонлари ва **муҳим кластербоплик индикаторлари (KPI)**”ни ишлаб чиқдик.

KPI (Key Performance Indicators) – “бу мақсадларга эришиш даражасини ёки жараённинг оптималлигини ўлчашга ёрдам берадиган фаолиятнинг, айниқса

натижадорлиги ва самарадорлигини миқдорий кўрсаткичларидир” [4]. КPI хорижда персонал менежмент тизимида ходимларнинг иш фаолиятининг натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш механизми сифатида кенг кўламда қўлланилиб келинмоқда. Ўзбек тилида КPI аберватураси «Фаолиятнинг муҳим кўрсаткичлари» деган маънени англатади. Адабиётларда КPI ни икки томонлама: самарадорлик ва натижадорлик талқинлари мавжуд. Бир томондан “самарадорлик” индикатори агар эришилган самара ва харажат ўртасидаги мутаносиблик асосида нисбий ҳисоб-китоб қилинса, иккинчи томондан “натижадорлик” индикатори қандай натижага, самарага эришиш (масалан, у ёки бу ишни бажара олиши) мутлақ шаклида намоён бўлади [5]. КPI – одамлар, гурухлар, компания ва унинг бўлинмаларининг ишини баҳолаш ва назорат қилиш имконини берадиган механизм ҳамdir [7].

Биз инглизча “Key Performance Indicators” (КPI) иборасини тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, ўзбек тилида “Муҳим кластербоплик индикаторлари” деб таржима қилиб, қисқартирилган инглизча - “КPI” аберватурасидан матнда фойдаланишга мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Юртошишимиз Ш.М.Мирзиёв ПФ-60 сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида [1] кўйилган мақсадларидан бирида ҳам давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КPI) асосида баҳолаш тизими бўйича «Миллий рейтинг» тизимини жорий этиш ҳақида таъкидлаб ўтганлар.

Ушбу мақолада ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида ушбу дикқатга сазовор жойларни сифат жиҳатдан баҳолаш имконини яратадиган 10 та ўлчов мезонлари доирасида 20 та “муҳим кластербоплик индикаторлари” (КPI) ишлаб чиқилиб, ушбу баҳолаш механизмини амалда жорий этиш тартиби босқичма-босқич ёритилган. “Муҳим кластербоплик индикаторлари” (КPI) миқдорий кўрсаткичлари асосида ёшлар ташриф жойларининг “саёҳат кластербоплик” даражасини аниқлашда Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида фаолият кўрсатаётган дикқатга сазовор жойлар ташриф жойлари асос бўлиб хизмат қиласди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини ўрганишда Гарвард университети профессори М.Портнернинг кластерга берган таърифидаги “географик концентрация” ибораси эътиборга молик деб ҳисоблаймиз [15]. Туристик кластернинг мазмун-моҳиятини ёртишда А.Ю.Александрова [10], Е.Г.Кропинова, А.В.Митрофанова [11], О.Д.Коль [12] ва бошқа олимларнинг ёндашувлари ўрганилди. Саёҳат кластербоплик даражасини аниқлашда З.Б.Навруз-зода [13] томонидан муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш методологиясини асос сифатида танлаб, ёшлар туризмининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўлчов мезонлари ишлаб чиқилди. Ушбу мезонлари КPI воситасидан фойдаланиш жараёнида “Инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик даражасини баҳолаш механизми” [14] таянч асос сифатида хизмат қиласди.

Тадқиқот методологияси

Ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплигини аниқлашда илмий тадқиқотларнинг қиёсий усулидан фойдаланилди. “Муҳим кластербоплик индикаторлари” (КPI) миқдорий кўрсаткичлари асосида ёшлар ташриф жойларнинг “саёҳат кластербоплик” даражасини аниқлаш методикасини тажрибали синов ўтказиш мақсадида Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган дикқатга сазовор жойлар фаолиятинининг диагностик таҳлили ўтказилди. Бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, эмперик тадқиқот, тизимли ва қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби усууллари қўлланилди. Бундан ташқари, ёшлар туризми соҳасининг ривожланишига оид республикада ишлаб чиқилган умумий стратегия, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг самарадорлик кўрсаткичлари (КPI) баҳолаш тизимини амалиётда қўллашга доир қабул қиласган фармонлардан фойдаланилган. Шунингдек, ёшлар ташриф жойларининг саёҳат

кластербоплик даражасини КРІ тизими бўйича баҳолашга оид хулосалар қилинган ва уни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотнинг *биринчи босқичида* “Сомонийлар” истироҳат боғининг фаолиятини диагностик ўрганиш эвазига уни саёҳат кластербоплик даражасининг мультиплікаторини 20 та “муҳим кластербоплик индикаторлари” асосида амалий ҳисоб-китоб қилинди. Бунда, истироҳат боғининг этalon сифатларидан келиб чиқсан муҳим кластербоплик индикаторлари 5 балл ҳисобидан баҳоланиб чиқилди. Балларнинг қанчалик юқори ёки пастлиги *KPI* бўйича саёҳат кластербоплигининг паст ёки юқори даражасини ифодалайди. Берилган эксперт баҳосининг умумий йифидисини этalon баҳоси (100 баллга тенглаштирилган ҳолда микдорий ифодаланади) билан қиёслаш эвазига ёшлар ташриф жойининг эришилган реал саёҳат кластербоплик даражаси аниқланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини КРІ тизими бўйича баҳолаш методикаси (“Сомонийлар”истироҳат боғи мисолида)¹

Т\rп	Муҳим кластербоплик индикаторининг ҳисоб-китоб босқичлари	“Сомонийлар” истироҳат боғи
1	Ёшлар ташриф жойи ҳақидаги маълумотларнинг кенг қамровлилиги мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	10 балл
2	Ёшлар ташриф жойи инфраструктурасининг ривожланганлиги мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	10 балл
3	Ёшлар ташриф жойининг нуфузлилиги мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	8 балл
4	Ёшлар ташриф жойининг кўнгилочарлик хусусияти мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	10 балл
5	Ёшлар ташриф жойининг жозибадорлик мартабаси мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	10 балл
6	Ёшлар ташриф жойининг илмий салоҳияти мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	9 балл
7	Ёшлар ташриф жойидаги обьектларининг тури мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>) нинг сўроқ асосида ҳисоби	7 балл
8	Ёшлар ташриф жойининг замонавийлилиги мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	5 балл
9	Ёшлар ташриф жойининг смарт технологияларга бойлиги мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	0 балл
10	Ёшлар ташриф жойининг фойдалилик ҳолати ва уларни бошқариш имкониятлари мезонини тавсифлайдиган 2 та муҳим кластербоплик индикаторлари (<i>KPI</i>)нинг сўроқ асосида ҳисоби	5 балл
11	Асосий ўлчов мезонлари бўйича йигилган жами баллар	76 балл

¹ Манба: муаллифнинг тадқиқотлари асосида тайёрланган.

12	Ёшлар ташриф жойининг эталон индикатори (баҳолашда энг юқори балл сифатида қабул қилинган миқдор)	100 балл
13	Ёшлар ташриф жойларнинг саёҳат кластербоплик даражасини танлаш (йигилган баллар асосида кўнгилочар маскан, диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи, ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси, кластербоп саёҳатгоҳ каби сифат даражалари ажратилади)	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини KPI тизими бўйича баҳолаш методикаси 10 та кетма-кет қадамлардан иборат бўлиб, саёҳат-эскперти томонидан диққатга сазовор жойга бевосита ташриф буюриш ёки онлайн тарзида кузатиш йўли билан тўлдириладиган маҳсус саволнома маълумотлари асосида ёшлар ташриф жойларининг 20 та асосий (100 балл) эталон индикаторлари баҳоланиб чиқилди. Унга кўра, “Сомонийлар” истироҳат боғи биринчи индикатор бўлмиш “Ёшлар ташриф жойи ҳақидаги маълумотларнинг кенг қамровлилиги” мезони бўйича умумий 10 (юқори) балл билан баҳоланди. Мазкур объект ҳақида мавжуд маълумотларининг қамров даражаси юқори эканлиги ва уларнинг каталог, буклет, фотоалбом ва бошқа шаклларда мавжудлиги ҳамда парк ҳудудида жойлашган “Сомонийлар” мақбараси, “Чашмаи Аюб” мақбаралари ҳақида гидлар томонидан ёш сайёҳларга узоқ хикоя қилиш имконинг борлиги инобатга олинган ҳолда энг юқори балл билан баҳоланди.

Иккинчи индикатор “Ёшлар ташриф жойи инфраструктурасининг ривожланганлиги” мезони бўйича ҳам максимал (10) балл билан баҳоланди. Чунки диққатга сазовор жойимизнинг таъмирланганлиги, қайта тикланганлиги ва ободонлаштириш даражаси юқори ҳамда ушбу масканинг бориши келиш йўллари равон, ташриф жойи ҳудудида овқатланиш ва жойлаштириш масканлари мавжуд. Навбатдаги индикатор “Ёшлар ташриф жойининг нуфузлилиги” мезони бўйича эса умумий 8 (уртачадан юқори) балл билан баҳоланди. Ушбу ёшлар ташриф жойи омма ўртасида нуфузли ва оммабоплиги учун юқори (5), халқаро эътироф даражаси ўртacha бўлганлиги учун 3 (ўртacha) балл билан баҳоланди. Кейинги баҳолаш индикатори “Ёшлар ташриф жойининг кўнгилочарлик хусусияти” бўлиб, ҳар кунлик рутинадан зерикиб, кўнгил ёзишга келадиган файратли ёшлар учун мослиги, масканинг экстрим хусусиятига эгалиги, ҳамда завқ бағишлийдиган турли хизматларнинг мавжудлиги инобатга олинниб юқори (10) балл берилди.

“Ёшлар ташриф жойининг жозибадорлик мартабаси” мезони бўйича таклиф этиладиган хизматлари сони, уларнинг сифати ва нархларининг ҳамёнбоплиги инобатга олинниб юқори (10) балл берилди. Сўнгра “Ёшлар ташриф жойининг илмий салоҳияти” индикатори бўйича мазкур ташриф жойининг тарбиявий аҳамияти юқори эканлиги (истироҳат боғи ҳудудида тарихий обидалар мавжудлиги), саёҳат орқали ёшларни дунёқарашининг бир оз бўлсада ортиш имконияти учун ўртачадан юқори (4) балл, ташриф эвазига янги билимларга эга бўла олиши (Сомонийлар мақбараси ҳақида тарихий билимлар) ва янги танишлар орттира олиш (маҳаллий аҳоли ёшлари билан дўстлашиш) имкониятлари ўрганилиб учун юқори (5) балл, умумий 9 балл кўйилди. “Ёшлар ташриф жойидаги объектларининг тури” мезони бўйича ташриф жойининг соғломлаштириш имкониятлари учун яъни, истироҳат боғида дараҳтларнинг кўплиги, тоза ҳаво, югуриш мумкин бўлган узун йўлакларнинг мавжудлиги учун ўртacha (3) балл, ташриф масканда спорт мусобақалари ўтказиладиган жой, яъни футбол майдонининг борлиги учун, аммо чет тилларини ўрганадиган марказининг йўқлиги сабабли ўртачадан юқори балл (4) балл берилди.


“Ёшлар ташриф жойининг замонавийлиги” индикатори бўйича диққатга сазовор жой эски қурилган объект бўлганлиги учун 2 (паст) балл, замонавийлик қиёфаси ўртacha бўлганлиги учун 3 (ўртacha) балл билан баҳоланди. “Ёшлар ташриф жойининг смарт технологияларга бойлиги” мезони бўйича эса биз таҳлил қилган ёшлар ташриф жойи смарт

технологиялардан фойдаланиш орқали бевосита саёҳатларини амалга ошириш, ёшларнинг яшаб турган манзилидан туриб туристик жойга онлайн экскурсия қилиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги инобатга олинниб 0 балл қўйилди. Ва ниҳоят энг охирки индикатор бўлмиш “Ёшлар ташриф жойининг фойдалилик ҳолати ва уларни бошқариш имкониятлари” мезони бўйича ташриф жойнинг фойда келтираётганлиги учун 3 (ўртача) балл, ёшлар ташриф жойларини бошқариш имконияти камроқ бўлганлиги учун 2 (паст) балл билан баҳоланди.

Сўнгра, ушбу мезонлар бўйича жами балларнинг йиғиндиси ҳисобланниб, эришилган натижада бўйича ёшлар ташриф жойининг саёҳат кластербоплик соҳасида реал эришилган сифат мақоми танланади Бизнинг мисолимизда Бухоро шаҳрида фаолият олиб бораётган “Сомонийлар” истироҳат боғининг умумий баллар йиғиндиси 76 баллни ташкил этади. Демак, ушбу ёшлар ташриф жойи саёҳат кластербоплик сифат даражаси бўйича “Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси” мақомига мос келиши аниқланди.

Баҳолашнинг сўнгги қадамида ёшлар ташриф жойининг идеал саёҳат кластербоплик даражасини ривожлантиришга туртки бўлган этalon кластербоплик индикаторлари (KPI) танланади. Бизнинг мисолимизда “Сомонийлар” истироҳат боғини саёҳат-эксперти томонидан ёшлар ташриф жойининг этalon саёҳат кластербоплик сифатлари орасидан берилган тўртта энг юқори баҳоланган мезонлар: ёшлар ташриф жойи ҳақидаги маълумотлар-нинг кенг қамровлилиги, дикқатга сазовор жой инфраструктурасининг ривожланганлиги, кўнгилочарлик хусусияти, жозибадорлик мартабаси аниқланди (1-расм).

1-расм. “Сомонийлар” истироҳат боғининг этalon саёҳат кластербоплик индикаторлари (KPI) улуши¹



1-расмга кўра, “Сомонийлар” истироҳат боғининг саёҳат кластербоплик индикаторлари ичида 4 та мезоннинг улуши юқори (максимал 10 баллдан баҳоланган) бўлиб, улар ушбу ташриф жойининг “Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси” сифат даражасини қўлга киритишига пойdevор бўлиб хизмат қиласди. Яъни истироҳат боғи ҳақидаги маълумотларнинг кенг қамровлилиги, ушбу масканга бориш-келиш йўллариниг равонлиги, турли хил кўнгилочар хизматларининг мавжудлиги ҳамда таклиф этиладиган хизматлари нархининг ҳамёнбоплиги истироҳат боғининг устун томонларидир.


Тадқиқотнинг **иккинчи босқичида** Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган бошқа бир қатор ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини “муҳим

¹Манба: муаллифнинг тадқиқотлари асосида тайёрланган.

кластербоплик индикаторлари” (КPI) воситасида баҳолаш механизмининг ҳисоб-китоби амалга оширилади. Диссертациянинг мазкур параграфида ушбу мақомда фаолият кўрсатаётган ёшлар орасида оммабоп бўлган ҳудудлар, яъни, Арк, Лаби ҳовуз мажмуалари, Минор ва Чинор савдо марказлари, Ситора парки, Гранд боулинг маркази, Ромитанда янги очилган сайлгоҳ, Атлантич пул сузиш ҳавзаси, Бухоро кинотеатр, Тўдакўл Силк Роад дам олиш маскани, “Bukhara Desert Oasis” дам олиш маскани, “Ширин” Этно қишлоғи ва ҳоказоларни “муҳим кластербоплик индикаторлари” (КPI) воситасида баҳолаш сайъ-ҳаракатларини қиласиз.

Ушбу баҳолаш усули маҳсус саволнома асосида эксперт усулида ҳар бир диққатга сазовор жойни диагностика ўтказиш йўли билан ёшлар ташриф жойининг этalon сифатларидан келиб чиқсан муҳим кластербоплик индикаторлари (КPI) миқдорини балларда аниқлаш орқали амалга оширилади. Ҳисоб-китоб натижалари 2-расмда диаграмма шаклида кўрсатилган.

2-расм. Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган ёшлар ташриф жойларининг муҳим кластербоплик индикаторлари жами баллари¹



2-расмдан кўриниб турибдики, турли диққатга сазовор жойларнинг саёҳат кластербоплик даражасини тавсифлайдиган сифатларнинг қиймати турлича. Бунинг асосий сабаби ушбу масканларнинг ҳар бирининг ўзига хос жозибадорлик хусусияти мавжуд. Масалан, маълум бир ташриф жойида мажуд бўлган этalon сифат даражаси бошқасида учрамаслиги мумкин. Ушбу масканлар ичидан факат “Бухара Десерт Оасис” 95 балл билан баҳоланиб, диққатга сазовор жойлар саёҳат кластербоплигининг 86 дан 100 баллгача - “Кластербоп саёҳатгоҳ” сифат даражасини қўлга киритди. Қолган ташриф жойлар, жумладан Лаби ҳовуз (71 балл), Тўдакўл дам олиш маскани (76 балл), Чинар майл (79 балл) бошқа ташриф жойларга нисбатан юқорироқ натижаларни кўрсатсада, ушбу сифатлар саёҳат кластербоплик индикаторларини ўзида акс эттиrmайди. Ушбу кўрсаткич бўйича биз тадқиқот амалга оширган диққатга сазовор жойлар саёҳат кластербоплигининг 71 баллдан 85 баллгача - “Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси” сифат даражасига мос келади.

Шунингдек, диаграмма маълумотларидан айрим ташриф жойларнинг асосий ўлчов мезонлари бўйича паст даражада қарор топилганлиги кўриниб турибди. Энг паст натижа

¹Манба: муаллифнинг тадқиқотлари асосида тайёрланган.

кўрсатаётган Гранд боулинг (39 балл), Ситора парки (40 балл) ва Бухоро кинотеатри (40 балл) фақат бир турдаги хизматларни кўрсатиши учун ихтисослшган бўлиб, диққатга сазовор жойлар саёҳат кластербоплигининг 0 баллдан 40 баллгача - “Кўнгилоchar маскан” сифат даражасига тўғри келади. Ушбу сифат даражадаги ёшлар ташриф жойлари жозибадорлиги паст бўлган кўнгилоchar масканлар бўлиб ҳисобланади. Уларни кластербоп саёҳатгоҳга айлантириш учун ёш сайёҳлар нигоҳидан, уларнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда саёҳатни амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларини яратиш ҳамда дастлабки туристик инфратузилмани ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган ёшлар ташриф жойларининг кластербоплик даражаси аниқлангандан сўнг биз маҳсус тузилган саволнома воситасида Ўзбекистон бўйича бошқа вилоятларда фаолият кўрсатаётган бир қатор ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик даражасини эксперт усулида аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал¹

Ўзбекистондаги 30 та ёшлар ташриф жойи (ЁТЖ)нинг саёҳат кластербоплик даражасини баҳолаш натижалари

T/p	ЁТЖнинг саёҳат кластер-боплик индикатори баҳоси	ЁТЖнинг саёҳат кластер-боплиги сифат даражаси	Ёшлар ташриф жойи саёҳат кластербоплигининг аниқловчилари	Саёҳат кластербоп-лигининг сифат даражасига хос ЁТЖларсони	Уларнинг умумий баҳоланган ЁТЖлардаги улуши,%
1	0 - 40 балл	Паст	“Кўнгилоchar маскан”	4	13
2	41 - 70 балл	Ўртacha	“Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи”	13	43
3	71 - 85 балл	Меъёрда	“Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси”	8	27
6	86 -100 балл	Юқори	“Кластербоп саёҳатгоҳ”	5	17
,	Жами:			30	100

2-жадвалда Ўзбекистон бўйлаб фаолият юритаётган ёшлар ташриф жойларининг баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, жами баҳоланган 30 та ташриф жойлари орасида саёҳат кластербоплиги реал ривожлаганлик даражасининг ҳолати 86-100 балл оралиғида баҳоланган “Кластербоп саёҳатгоҳ” сифат мақомига мос келадиган ташриф жойларнинг сони 5 та ёки 17% ни ташкил этади. Ваҳолангки, ушбу ташриф жойларнинг 4 нафари Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатадиган ёшларнинг энг кўп ташриф масканлари бўлиб, фақат бир нафари Бухоро вилоятида жойлашган. Баҳоланган диққатга сазовор жойлар орасида “Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи” сифат мақомига эга бўлган ёшлар ташриф жойининг сони энг кўп - 13 та (43%) ни ташкил қиласи. Ўрганилган ёшлар ташриф жойларининг энг кам сони - 4 таси (13%) эса муҳим кластербоплик индикаторлари паст даражада ривожланган бўлиб, “Кўнгилоchar маскан” сифат мақомида қарор топган. Бундан ташқари, саёҳат кластербоплиги реал ривожлаганлик даражасининг ҳолати 71 - 85 балл оралиғида баҳланган “Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси” сифат даражасига мос келувчи диққатга сазовор жойлар 8 та, яъни 27% ни ташкил этади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларини янада ойдинлаштириш мақсадида, саёҳат кластербоплиги даражасини аниқлашда иштирок этган ҳар бир диққаатга сазовор жой, улар

¹ Манба: жадвал муаллиф томонидан тузилган

жойлашган худуд ҳамда уларга саёҳат кластербоплиги индикаторида берилган баллар ва эришган сифат даражаларини 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал¹

Ўзбекистон бўйлаб ёшлар ташриф жойларининг саёҳат кластербоплик индикатори баҳоси ва сифат даражаси

	Ёшлар ташриф жойининг номи	Ёшлар ташриф жойининг жойлашган худуди	Эксперт баҳоси (100 балл ҳисобида)	Ёшлар ташриф жойининг саёҳат кластербоплиги сифат даражаси
1	Арк	Бухоро шаҳри	50	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
2	Аквапарк	Тошкент шаҳри	49	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
3	Амирсой	Тошкент вилояти	78	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси
4	Атлантичес пул	Бухоро шаҳри	55	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
5	Ашғобот боғи	Тошкент шаҳри	45	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
6	Батут маркази	Тошкент шаҳри	47	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
7	Билиард зали	Бухоро шаҳри	42	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
8	Вишка	Бухоро шаҳри	55	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
9	Компьютер ўйинлари	Бухоро шаҳри	50	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
10	Глобус	Бухоро шаҳри	71	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси
11	Гранд боулинг	Бухоро шаҳри	39	Кўнгилочар маскан
12	Диснейленд	Тошкент шаҳри	50	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
13	Десерт Оасис	Бухоро вилояти	95	Кластербоп саёҳатгоҳ
14	Караоке	Бухоро шаҳри	37	Кўнгилочар маскан
15	Кинотеатр	Бухоро шаҳри	40	Кўнгилочар маскан
16	Лаби ҳовуз	Бухоро шаҳри	71	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси
17	Макон малл	Самарқанд шаҳри	75	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси
18	Мегик сити	Тошкент шаҳри	88	Кластербоп саёҳатгоҳ
19	Минор малл	Бухоро шаҳри	54	Диққатга сазовор ёшлар ташриф жойи
20	Мирзо Улугбек истироҳат боғи	Тошкент шаҳри	75	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси
21	Некст малл	Тошкент шаҳри	86	Кластербоп саёҳатгоҳ

¹ Манба: жадвал муаллиф томонидан тузилган

22	Ромитан сайлгохи	Бухоро вилояти	49	Дикқатга сазовор ёшлар ташриф жойи
23	Самарқанд сити	Самарқанд шаҳри	55	Дикқатга сазовор ёшлар ташриф жойи
24	Самарқанд дарвоза малл	Тошкент шаҳри	87	Кластербоп саёҳатгоҳ
25	Ситора истироҳат боғи	Бухоро шаҳри	40	Кўнгилочар маскан
26	Сомонийлар истироҳат боғи	Бухоро шаҳри	58	Дикқатга сазовор ёшлар ташриф жойи
27	Тошкент сити	Тошкент шаҳри	87	Кластербоп саёҳатгоҳ
28	Тўдакўл силк роад	Бухоро вилояти	76	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси
29	Чинар малл	Бухоро шаҳри	79	Ёшларнинг жозибадор саёҳат дестинацияси
30	Ширин этно қишлоғи	Бухоро вилояти	48	Дикқатга сазовор ёшлар ташриф жойи

З-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, эксперт усулида баҳолангандан 30 та ташриф жойлари ичида Тошкент вилоятида жойлашган “Magic city” кўнгилочар парки, “Tashkent city” мажмуаси, “Самарқанд дарвоза” ва “Next” савдо марказлари ҳамда Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган “Bukhara Desert Oasis” дам олиш масканлари саёҳат кластербоплигининг юқори даражадаги “Кластербоп саёҳатгоҳ” сифат даражасига мос келади. Bukhara Desert Oasis дам олиш маскани 100 баллдан 95 балл олишга сазовор бўлган. Фақат З-мезон – “Ёшлар ташриф жойининг нуфузлилиги”дан 10 баллдан, дестинациянинг халқаро эътироф даражаси юқори бўлмаганлиги сабабли, эксперт томонидан 8 балл берилди ва 9-мезон – “Ёшлар ташриф жойининг смарт технологияларга бойлиги” дан 10 баллдан 8 балл олганлигига сабаб, ушбу масканга смарт технологиялардан фойдаланган ҳолда саёҳатларини амалга оширишнинг ва яшаб турган манзилидан туриб туристик жойга онлайн экскурсия қилиш имкониятининг пастлигидадир. 5-мезон – “Ёшлар ташриф жойининг жозибадорлик мартабаси” дан эса максимал 1 балл кам олганлиги эса объектнинг таклиф этиладиган хизматлари нархларининг юқори эканлигига деб изоҳланади.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида ўтказилган амалий тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, саёҳат кластербоплик индикаторларини аниқлаш ва уларнинг сифат даражасини баҳолаш, саёҳат кластербоплиги ўрта сифат даражадаги “Дикқатга сазовор ёшлар ташриф жойи” кластербоплик детерминанти ҳолатидага ташриф жойларнинг бир худудда жойлашганлигини инобатга олган ҳолда улар негизида янги “саёҳат кластери”ни яратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолатда кластерларни шакллантирувчи иккита бош мезонни ажратиш керак бўлади. Булар, агар биринчиси “худуд” бўлса, иккинчиси – “қиймат” ҳисобланади. Агар ёшлар туристик кластерларининг худудий жиҳати ёшлар ташриф жойларини жозибадор масканларга айлантириш ва уларни жозибадор ёшлар туристик дестинациялар даражасига кўтариб, улар негизида рақобат устунлигига эга бўлган ёшлар туристик кластерларни шакллантириш бўйича саъй-харакатларда намоён бўлса, бундай кластерларнинг “қиймат” жиҳати ёшлар туризм объектлари ўртасида интеграцион алоқаларни ўрнатиш эвазига жозибадор ёшлар туристик худудларда ёш сайёҳлар учун туристик хизматлар мажмуасининг қўшилган қиймат занжирини тузишни назарда тутилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил январдаги “2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги пф-60-сонли фармони, https://fergana.uz/uploads/01/-60_28.01.2022.pdf
2. Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. С.4-9.
3. Бабкина А.В. Кластерная экономика и промышленная политика: теория и инструментарий (2015) / под ред. д-ра экон. наук, проф. – СПб. : Изд-во Политехн. ун-та. – 588 с.
4. Вишнякова М. В. Миры и правда о KPI / Худож. А. Васильева. — М.: Летопись, 2017. — 274 с.
5. Ибрагимов Н.С., Мамлакат доирасида туризмнинг уч маконли тизимли таҳлили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил. 1-10 бб.
6. Лапыгин Ю. Н., Тулинова Д. В. Условия формирования кластера // Вестник ГУУ. 2020. №7. С:114-119
7. Морозов М.А., Львова Т.В. Кластерный подход в моделировании туристских дестинаций (на примере Красной Поляны). Вестник Российского государственного торгово-экономического университета. Научный журнал. № 9 (57).Москва. 2011. С:93-105.
8. Система KPI (Key Performance Indicator): разработка и применение показателей бизнес-процесса. Показатели эффективности. https://www.businessstudio.ru/articles/article/sistema_kpi_key_performance_indicator_razrabotka_i/.
9. Туристик худуд рақобатбардошлиги //монография Наврўз-Зода Б.Н умумий таҳрири остида. – Бухоро, 2017. 150 б.
10. Александрова А.Ю.Туристские кластеры: содержание, границы, механизм функционирования.Современные проблемы сервиса и туризма.№1, 2007.С.51-61.
11. Кропинова Е.Г., Митрофанова А.В. Регионально-географический подход к понятию «туристско-рекреационный кластер» // Вестн. Рос. Гос. ун-та им. И. Канта. — Калининград, 2009. — № 1. — С. 70–75.
12. Коль О.Д. Концептуальные основы формирования кластера туристских предпринимательских структур по въездному туризму в крупном городе // Проблемы соврем. экономики. — 2010. — № 1. — С. 379–383.
13. Навруз-зода З.Б. Муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини аниқлаш методологияси ва мезонлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. –Т., 2020. - № 1, 236-244-б.
14. Навруз-зода Б.Н. “KPI” воситасида инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик даражасини баҳолаш механизми. Иқтисодиёт ва туризм халқаро журнали, 2022, 2-сон. 18-27 бб.
15. Porter, M. E. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 1998.Р: 77-90.